



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 2 декабрь, № 251 (9146)

Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН РЕЖАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 декабрь куни экспорт салоҳиятини ошириш ва тадбиркорларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини соддалаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўйган. Мазкур кўрсаткичга эришиш учун аънавий бозорлар билан чекланмасдан юқори маржали янги бозорларга чиқиш зарур.

Бу борада ташқи бозорлардаги етакчи истеъмол сегментлари ва юқори талабга эга маҳсулотлар бўйича чуқур таҳлил олиб борилди. Натижада қурилиш материаллари, энгил саноат, электротехника, озиқ-овқат, маиший кимё, машинасозлик ва металлларга оид йўналишларда экспортни янада ошириш учун мамлакатимизда катта заҳира ҳамда имконият борлиги аниқланди.

Шу муносабат билан тақдимотда истиқболли бозор ҳисобланган мамлакатлар билан имтиёзли савдони йўлга қўйиш, савдо-иқтисодий муносабатларни фаоллаштириб, экспорт-импорт ҳажми ўсишига мос равишда чегара ўтказиш пунктлари инфратузилмаси ва қувватини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддилар маҳсулотларимизнинг

ташқи бозорларда эгаллаган ўрни, талаб юқори бўлган товар турлари, хорижий шериклар билан амалга оширилаётган ҳамкорлик лойиҳалари ҳамда экспортни диверсификация қилиш бўйича бажарилаётган ишлар юзасидан ахборот берди. Мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш, янги бозорларни очиш ва ташқи савдо механизмларини соддалаштириш топширилди.

Бугунги кунда 81 та давлат идораси томонидан тадбиркорларга 739 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда.

Лекин 576 турдаги хизматлар тарқоқ ҳолда кўрсатилгани учун тадбиркорлар ҳужжат йиғиб, идорама-идора сарсон бўлаётгани кўрсатиб ўтилди. Масалан, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 17 та босқичдан ўтиш, 10 та идорага бориш керак.

Шу билан бирга, бухгалтерия, солиқ, экспорт ва сертификатлаш бўйича консалтинг хизмати кўрсатадиган ягона хусусий сервис майдони мавжуд эмас. Бундай хизматларни банклар, сўғурта компаниялари,

биржа, брокерлар ва логистика операторлари, бизнес таълими ҳамда тренинг дастурлари билан интеграция қилиш мумкин.

Тақдимотда тадбиркорлар учун барча давлат ва хусусий хизматларини бир жойга жамлайдиган "Бизнес ҳамроҳ" марказларини очиш тақлиф қилинди.

Режага кўра Савдо-саноат палатаси ҳузурида ташкил этиладиган марказларда барча давлат ва хусусий хизматларни "ягона дарча" тамойили асосида бир жойда, ягона электрон платформа орқали кўрсатиш йўлга қўйлади. Тадбиркорларнинг мурожаатларига туну кун жавоб берадиган "колл-марказ" ҳам ташкил этилади.

Президентимиз тақлифни маъқуллаб, марказ тадбиркорлик субъектини ташкил этишдан тортиб фаолиятини йўлга қўйиш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилишгача бўлган барча соҳаларни қамраб олиши зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга бу борада тегишли топшириқлар берилди.

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва космос соҳаларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тақдмоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг октябрь ойида қабул қилинган "Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан юртимизда бу борада зарур инфратузилма барпо этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилди.

Жумладан, 2030 йилгача стратегия тасдиқланиб, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида тегишли марказ очилди. Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш учун зарур ҳисоблаш инфратузилмаси барпо қилинмоқда. Жумладан, АКШнинг "Nvidia" компанияси билан ҳамкорликда супер компьютер кластерини ишга тушириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тиббиёт соҳасида сунъий интеллект бўйича 5 та лойиҳа жорий қилинмоқда. Хусусан, инсульт, кўкрак сарато-

нини сунъий интеллект ёрдамида аниқлаш орқали диагностика вақти 80 фоизга тежалиб, ҳаёт учун хавфли ҳолатлар бераварт аниқланмоқда.

Президентимиз бу етарли эмаслиги, сунъий интеллект ёрдамидаги диагностикани ишлатиш мумкин бўлган касалликлар турини янада кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Шу муносабат билан хорижий ҳамкорлар билан биргаликда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида жигар, ўпка ва простата бези саратони, инфаркт ҳамда мураккаб суяк синишларини диагностика қилишда тиббий суратларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш тизимларини жорий этиш режалаштирилган.

Келгуси ўқув йилидан мактаб, техникум ва олийгоҳларда ўқувчи ва талабаларга сунъий интеллектни ўқитиш бошланади. Бунинг учун информатика ўқитувчилари тайёрланмоқда. Лекин фақат уларни эмас, бундан мактаб жамоасини сунъий

интеллектдан фойдаланишга ўргатиб, ўқитувчиларнинг юкларини камайтириш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Шунда ўқитувчида ўз устида ишлашга кўпроқ вақт қолади, дея таъкидланди йиғилишда.

Тақдимотда бу борадаги янги ёндашувлар кўриб чиқилди.

Жумладан, мактаб таълими учун сунъий интеллектга асосланган платформани жорий қилиш тақлиф қилинди. Бунда ўқитувчининг виртуал ёрдамчиси ишлаб чиқилади ва платформа интеграция қилинади. Ушбу ечим ўқитувчиларга мавзуга доир маъруза матнлари, тақдимотлар, тестлар, дарс режаларини тузиш, имтиҳон жараёнларини назорат қилишда қўмаклашди.

Йиғилишда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект бўйича маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш дастури ҳақида ахборот берилди.

Транспорт соҳасида ҳам сунъий интеллект лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, сунъий интел-

лект ёрдамида йўллардаги қондабузарликларни автоматик аниқлаш, вагонлар техник ҳолатини мониторинг қилиш орқали темир йўлда авариялар хавфини камайтириш бўйича тақлифлар тақдимот қилинди.

Бундан ташқари, космик технологиялар бўйича янги ташаббуслар ишлаб чиқилган. "Samarqand-2028" сунъий йўлдошини ишлаб чиқиш ишларининг жорий бориши кўриб чиқилди. Ерни ма-софавий зондлашга мўлжалланган мазкур йўлдош учун сунъий интеллект модули ишлаб чиқилади. Йўлдош олган суратларни ҳаво сифатини бирламчи баҳолаш, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва ўрмонларни мониторинг қилишда қўллаш мумкин бўлади.

Тақдимот якунида давлатимиз раҳбари кўриб чиқилган лойиҳалар ижросини жадаллаштириш, сунъий интеллект технологияларидан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада фойдаланишни кенгайтириш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

МУҲОКАМАДА – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК, ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда экологик барқарорлик, шу жумладан, чиқиндиларни қайта ишлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди, шунингдек, мутасаддиларнинг қишга тайёрлик юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Авалло, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича махсус комиссиянинг ҳисоботи тингланди. Ҳаво инфлосланишига қарши кўрилатган, инфлосланиш манбаларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, охириги кунларда мамлакатимиз ҳудудид бўйлаб совуқ антициклон таъсири кучайиб бормоқда. Натижада ҳаво босими ошиб, ҳарорат пайасимоқда, инверсия ҳодисалари кучаймоқда. Бундай шaroитда ҳаводаги майда зарралар юқорига кўтарилмай, пастки қатламларда тўпланиб қолмоқда. Метеорологик шaroитлар туфайли ҳавонинг табиий тозаланиш суръати секинлашмоқда.

Сўнгги кунларда ҳавони инфлослантираётган манбаларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди. Иссиқхоналар, қурилиш майдонлари, автотранспорт воситалари ва ноқонуний фаолият юритувчи объектлар юзасидан ўтказилган текширувлар, шаҳар бўйлаб кўчаларни намлаш, ариқларни тозалаш, фаввораларни ишга тушириш каби барқарорлаштириш тадбирлари шулар жумласидан. Қу-чайтирилган тартибда рейдлар ва профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз мазкур чораларни нафақат пойтахтда, балки ҳудудларда ҳам тизимли давом эттириш, аниқланган қонунбузарликларни тезкор бартараф этиш, ҳавога таъсир кўрсатувчи барча омилларни қатъий назорат остига олишни топширди.

Маиший чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича 933 миллион долларлик лойиҳалар 6 та ҳудудда — Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бошланган, аммо бошқа вилоятларда бу борада жиддий ҳаракат кузатилмапти. Бошланган лойиҳаларда ҳам инвесторларни инфратузилма — йўл, электр, сув билан таъминлаш ишлари талаб даражасида эмас.

Вилоятлар ҳокимликлари ва Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига камчиликларни бартараф этиб, келгуси йилда қолган ҳудудларда ҳам шундай лойиҳаларни бошлаш топширилди.

2030 йилгача маиший чиқинди полигонларини 50 фоизга қисқартириш белгиланган. Сўнгги йилларда 47 та полигон фаолияти тугатилиб, рекультивация қилинди, натижада 243 гектар ер табиатга қайтарилди.

Лекин ҳозирда ишлаётган 132 та полигоннинг аксариятида ҳалигача ҳимоя деворлари, "яшил белбоғ", сув таъминоти ва экологик хавфсизлик иншоотлари ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

— Бу атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатяпти ва аҳоли эътирозларига сабаб бўляпти. Шу боис маиший чиқинди полигонларини экологик хавфсиз ҳудудга айлантириш зарур. Биринчи навбатда, одамларнинг соҳадан розилигига эришишимиз керак. Бу масалага фақат чиқиндини бошқариш эмас, балки саноат, энергетика, экологик маданият билан узвий боғлиқ йўналиш сифатида ёндашиш лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддиларга рекультивация қилинган 47 та полигон ерини қайта фойдаланишга киритиб, уларда "яшил майдон"лар барпо қилиш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Мавжуд полигонларнинг барчаси атрофда "яшил белбоғ" яратиш, даракх ва қўчат экиш ишларини полигонларнинг ярмида баҳор мавсумида, қолган ярмида куз мавсумида якунлаш вазифаси қўйилди.

2026 йилдан бу ишларга республика бюджетидан ҳар йили камида 150 миллиард сўм ажратиб борилиши белгиланди.

Охириги йилида авваллари қайта ишланмаган саноат ва хавфли чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси 4,5 фоизга олиб чиқилди. Мазкур кўрсаткич камлиги қайд этилиб, саноат ва хавфли чиқиндилар ҳосил бўлаётган ҳамда сақланаётган жойларни хатловдан ўтказиб, уларни қайта ишлаш ҳамда утилизация қилиш бўйича камида 1 тадан лойиҳани бошлаш зарурлиги таъкидланди. Хавфли чиқиндиларни назорат қилиш бўйича ягона ахборот-мониторинг платформасини ишга тушириш топширилди.

Таъкидланганидек, имтиёзли шартларда суюлтирилган газ етказиб беришда камчиликлар сақланиб қолмоқда, талон-торож ҳолатлари учрамоқда. "Худудгазтаъминот" тизимида бу ҳолатларга чек қўйиш, худудма-худуд юриб аҳолининг муаммоларини ҳал этиш топширилди. Эскирган электр тармоқлари ва ортиқча юкламада ишлаётган трансформаторларни хатловдан ўтказиб, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, 1800 километрлик электр тармоқларида таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилиши аниқланган. Бош прокуратурага мазкур ҳолатларни ўрганиш ва қонун устуворлигини таъминлаш, "Энергоинспекция"га эса назорат ишларини янгича ёндашув асосида ташкил қилиб, фавқулодда тартибда ишлашга ўтиш топширилди.

Қиш мавсумида энергия ресурслари аҳолига улзуксиз етказиб берилиши шартлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда ёнгин хавфсизлиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда 44 мингдан зиёд кўп қаватли биноларда ёнгин хавфсизлиги ҳолатини тўлиқ ўрганиш, фавқулодда вазиятлар тизими бундай хавфхатарларга қарши ҳаракат қилишга шай туриши зарурлиги таъкидланди.

Биноларнинг ташқи деворларида кучли ёнувчан материалларни қўллашни тақиқловчи қатъий талабларни қонун ҳужжатларига киритиш вақти келгани таъкидланди. Шу муносабат билан кўп қаватли уйларда қурилиш нормалари ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларини халқаро тажрибага мослаш ҳамда масъул раҳбарлар жавобгарлигини кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Коммунал хизматлар ишини мувофиқлаштириш ва фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ўтган мавсумда пойтахтда тўпланган тажриба асосида республиканинг бошқа ҳудудлари кесимида ишчи гуруҳлар ташкил этиш, барча коммунал хизматлар ва бошқарув сервис компанияларини ФВБ диспетчерлик тизимига боғлаш ва хонадонбай профилактика ишларини қу-чайтириш вазифаси қўйилди.

ЎЗА.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

АСОСИЙ МАҚСАД СУДНИ ТОМ МАЪНОДА «АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ»ГА АЙЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ

"Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!".

Бу йил Бош қомусимиз қабул қилинганининг 33 йиллик байрами ана шундай бош ғоя негизда ўтказилаётгани бежиз эмас. Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий устувор йўналишларини ўзида акс эттирган янги таҳрирдаги Конституция фуқароларимиз, жамиятимиз ҳаётида нақадар юксак аҳамиятга эга эканини амалда намоён этмоқда.

Асосий Қонунимизда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, инсон қадри, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ҳамда бирдамлик каби эзгу ғоялар юртимиз ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардаги ифодасини амалий мисоллар — шиддатли янгиланишлар самаралари талқинида яққол кўрсатиб бериляпти.

Ўзгаришларнинг муҳим йўналиши ҳисобланган суд-ҳуқуқ тизимидаги стратегик ислохотлар самарасини таъминлашда, албатта, Конституциямизнинг

норма ва принциплари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бош қомусимизга суд ҳокимиятига бағишланган алоҳида XXIII боб киритилган бўлиб, унинг 130-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритадиган суд ҳокимиятининг Конституцияга даражасида институционал механизмлари белгилаб берилди.



Маълумки, ТУРКСОЙ туркий халқларнинг бир-бирига бўлган меҳрини, муҳаббатини, маданиятини, ўзаро яқинлигини, қадрдонлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келаётган ташкилотлардан биридир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва ТУРКСОЙ ҳамкорлиги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Унинг ёрдамида туркий давлатлар билан ўзаро маданий алоқалар кўлами кенгайди. Ўзбекистон ўз ташаббус

ва тақлифларини туркий дунёда янада кенгроқ илгари суриш имконига эга бўлди. Шу орқали ўзбек маданияти, қадриятлари, кўҳна ва ҳамиша навқирон обидалари, тарихи ва истiqболдоги орзу-интилишлари жаҳон миқёсида тарғиб ҳам қилинмоқда.

ТУРКСОЙ Доимий кенгаши қарори билан ҳар йили туркий тилли давлатлардаги шаҳарлардан бири "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" сифатида эълон қилинади. Бундай

мақомга эга бўлган шаҳарда туркий давлатлар билан ҳамкорликда қатор маданий тадбирлар, фестиваллар, илмий анжуманлар, учрашувлар ташкил этилади. Бу орқали миллий маданият халқаро миқёсда кенг тарғиб қилинади. Бундай тадбирлар сайёҳлар оқимини оширишга ҳам ҳисса қўшади.

Қувонарлиси, ТУРКСОЙ Доимий кенгашининг 42-йиғилишида Андижон шаҳри 2026 йилда "Туркий дунёнинг

маданият пойтахти" деб эълон қилинди. Бу хушхабар йиғилиш иштирокчилари томонидан олқилар билан қутиб олинди.

Тадбирларнинг тантанали ёпилиш маросимида Андижон шаҳри ҳокимлигига махсус сертификат топширилди.

Доимий кенгаш йиғилиши якунида кун тартибидеа кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиниб, тегишли ҳужжатлар имзоланди.

«Халқ сўзи».

АНДИЖОН ШАҲРИ —

2026 йилда «Туркий дунёнинг маданият пойтахти»

Қозоғистоннинг Ақтау шаҳрида Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ Доимий кенгашининг 42-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ТУРКСОЙ томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. 2026 йилда ўтказиладиган тадбирлар режаси, қўшма лойиҳалар ва туркий дунёнинг маданий соҳадаги ҳамкорлигини янада

Хушхабар

мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон тегишли қонун билан Халқаро метрик Конвенциясига қўшилди.

АСОСИЙ МАҚСАД СУДНИ ТОМ МАЪНОДА «АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ»ГА АЙЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ

11-моддасидаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади” деган конституциявий принцип амалда бўлишини таъминлайди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг суд ҳокимиятига бағишланган бобидаги 11 та моддада одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд қарорлари барча учун мажбурийлиги, судья ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш, судьянинг муайян ишни кўришдаги ваколатлари ҳамда судлар фаолиятини молиялаштириш каби 30 дан зиёд муҳим конституциявий нормалар мустаҳкамланди. Буларнинг барчаси судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асослари қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартлари сифатида сезиларли даражада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Тизим мустақил бўлмаса, жамиятда ривожланиш бўлмайди

Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлашга, тизим ходимларининг моддий-техника базасини яхшилашга юксак даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари “**Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди**” деган фикрни ҳамisha такрорлаши бежиз эмас. Чунки суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай бахсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Бу борада судлар томонидан конституциявий нормалар тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида Олий суд Пленумининг “Одил судловини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда Конституция нормалари қўлланиб кўрилган суд ишлари статистикасига эътибор қаратинг: 2023 йил 1 майдан 2025 йилнинг ўтган 10 ойигача бўлган даврда судлар томонидан жами 426 мингдан ортиқ иш ва мате-



“Янги Ўзбекистон — янги суд” тамойили

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс

“Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси.

риалларда янги таҳрирдаги Конституция нормалари тўғридан-тўғри қўлланилди. Хусусан, шу қисқа муддат ичида 67 157 та жиноят иши ҳамда материалда, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид 149 665 та иш ва материалда, 75 549 та фуқаролик ишида, 112 149 та иқтисодий ишда, шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиغان 21 535 та маъмурий ишда судлар томонидан бевосита янгиланган конституциявий нормаларга таяниб иш қўрилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бугунги кунда ушбу қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш барча босқичдаги судларнинг бош вазифасига айланган.

чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2022 — 2025 йилларда Олий суд томонидан 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, суд тизимига оид 30 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида суд тизими тубдан тақомиллаштирилди.

Бу ҳужжатлар билан “**Инсон кадри учун**” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-қимматининг самарали ҳимоясига йўналтириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришилмоқда. Шу орқали халқимиз, жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, “**Янги Ўзбекистонда — янги суд**” одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, соҳага илғор халқаро мезонларни жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам суд тизими учун “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” йўналишида 18 та аниқ вазифа белгилаб берилди.

Суд ислоҳоти доирасида ҳал қилувчи аҳамият касб этган яна бир муҳим ҳужжат — “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони билан 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

Унинг доирасида тизим фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-қимматини самарали ҳимоя этишга йўналтириш бўлиб, унда адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқ, жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш каби 40 та аниқ вазифа белгилаб берилди.

Судларнинг молиявий мустақиллиги қучайтирилди. Суд ҳокимияти мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти фаолияти янада тақомиллаштирилди.

Колаверса, суд ишларини юритишда янги институтлар киритилди, мавжудлари тақомиллаштирилди. Жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — тергов судьялари лавозимлари киритилди, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда судгача мажлис, содда-лаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари жорий қилинди.

Хусусан, жиноят иши юритувида инсонпарварлик тамойиллари асосида “Хабеас корпус” институти янада кенг татбиқ этиш мақсадида 2025 йил 1 январдан тергов судьялари институти миллий амалиётга жорий этилиши билан инсон ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатланди.



“Электрон одил судлов” тизими ва рақамлаштириш

Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 21 августда имзоланган “Судлар фаолиятига суний интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ ислохотларининг изчил давоми сифатида судлар учун тарихий ҳужжат бўлди. Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий технологиялар, хусусан, суний интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг-роқ жорий этиш назарда тутилди.

Ушбу технологиялар бюрократик тўсиқларни камайтириш, айниқса, суний интеллектга асосланган “акли” технотизимлар орқали аризаларни электрон тарзда қабул қилиш, ҳужжатларни автоматлаштирилган тарзда кўриб чиқиш ва суд қарорларининг шафдофлигини таъминлайди. Суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш мақсадида “**Рақамли суд**” концепцияси асосида ишларнинг юритилишини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, жорий йил якунига қадар тажриба тарихасида Тошкент шаҳрида барча рақамли имкониятни ўзида муҳассам этган замонавий суд заллари ташкил қилинади. Тажриба натижалари асосида концепция 2026-2027 йилларда босқичма-босқич республиканинг барча судларида татбиқ этилади.

Шунингдек, 2023 — 2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъмин-

лаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда судларни рақамлаштириш ишлари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда. Судлар фаолиятига замонавий технологиялар кенг жорий этилмоқда.

Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатли, очиклик ва шафдофликни таъминлаш учун “**Электрон одил судлов**” тизими татбиқ қилинди. Эндиликда судьялар ўртасида ишларни инсон омилиси, автоматик равишда тақсимлаш, судларга электрон муурожаат ва суд ҳужжатларини тарафларга электрон шаклда юбориш, суд мажлисларини аудиоёзувда қайд этиб бориш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятини кенгайтириш каби замонавий ёндашувлар одил судлов самарадорлигини оширишга замин яратмоқда.

Ҳозирда судларнинг ахборот тизими билан вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасида маълумотларни электрон шаклда олиш тартиби амалиётга жорий этилиб, улар билан маълумотлар алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилди. Бугунги кунда Олий суднинг Интерфаол хизматлар портали ишга туширилиб, у орқали фуқароларга 14 турдаги интерфаол хизматлар кўрсатилмоқда.

Сингдирилган мезон самараси

Умуман, янгиланган Асосий Қонунимизга сингдирилган “инсон манфаати ҳар нарсадан устун” мезони бугун амалда ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари суд соҳаси вакиллари учун энг муҳим вазифалар сифатида белгилаб берган, халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга суд ходимлари таркибини шакллантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш, одил судловга эришиш бўйича мунтазам иш олиб бориш мутлақо ангиланаётган Ўзбекистон шариоитида давр талабидир.

Бахтёр ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси.

ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИ, ОРЗУ ВА ИНТИЛИШЛАРИ ИФОДАСИ

Бугун биз яшаётган замон тезлашган тарих, ўзгараётган тафаккур даври. Юртимизда амалга ошаётган ислохотлар суръатини кузатар эканмиз, ҳар қандай соҳадаги юксалиш бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди: ҳар бир жамиятнинг эртанги куни унинг илм-фан, таълим ва маънавиятга берган эътибори билан белгиланади. Айниқса, сўнгги йилларда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар бу борадаги сиёсий иродани янада мустаҳкамлади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 50 — 53-моддалари айнан ўша миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий устувлари сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу моддаларда нафақат таълим олиш ҳуқуқи, балки инсоннинг ижодкорлик қobiliятини эркин ривожлантириш, устоз шаънини улуғлаш, маданият ва фаннинг юрт тараққиётидаги ўрнини юксак баҳолаш, ўқувчи-ёшларнинг, педагогларнинг, тадқиқотчиларнинг имкониятларини кенг очиш тамойиллари мужассам.

Конституция нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки халқнинг хоҳиш-иродаси, орзуси ва интилишларининг ифодасидир. Янги Ўзбекистоннинг Бош қомуси эса айнан илмга таянадиган жамиятни барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 50-моддаси “*Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга*” деган тамойил билан бошланади. Бу жумла оддий ҳуқуқий норма эмас. Балки, халқнинг тақдирини ўзгартира оладиган кудратли ижтимоий ғоядир. Чунки, илм олган авлодгина жамиятни юксалтиради, янгилик

яратади, ислохотларни давом эттиради.

Бугун Ўзбекистонда таълим тизими тубдан модернизация қилинмоқда. Устувор йўналиш сифатида мактабгача таълим қамрови бир неча баравар ошди. Мактаблар реконструкция қилинмоқда, янги ўқув дастурлари, замонавий дарсликлар жорий этилди. Ўқув жараёнига STEAM таълим, рақамли технологиялар, халқаро баҳолаш дастурлари кенг кириб келмоқда.

Шу маънода, Конституциядаги “*Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир*” деган нормалар жамиятимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир фарзанд учун ишончли ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Мактабга борадиган ҳар бир бола ортида давлатнинг ишончи, халқнинг эртанги кунни, ота-оналарнинг орзуси мужассам. Шунинг учун ҳам мактаб жамиятнинг энг муҳим кадриятидир. Янги Ўзбекистон бу кадриятни амалда ҳимоя қилмоқда.

Конституция таълим тизимида алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ҳуқуқларини ҳам



кўрсатиб ўтади. Бу эса, халқпарварлик сиёсатининг ёрқин кўриниши.

Бугун Ўзбекистонда юзлаб мактаб ва боғчаларда инклюзив таълим жорий этилиб, ўқитувчилар махсус тайёргарликдан ўтмоқда. Бу болаларнинг истеъдодлари, қobiliятлари очилишига имкон яратаётди. Энг муҳими, жамиятда меҳр, бағрикенглик ва тенглик тамойилларини мустаҳкамламоқда.

Конституциянинг 51-моддаси олий таълим масалаларини қамраб олади. Унга кўра: “*Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли*”. Ҳар бир иқтидорли ёш энди билимга таяниб, ўзи хоҳлаган йўналишда давлат грантида ўқиш имконига эга.

Яна бир муҳим жиҳат, олий таълим ташкилотларида академик эркинлик тақдим этилганидир. Бу эса, университетлар ўз илмий сиёсатини мустақил юритиши, талабалар учун замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиши, халқаро ҳамкорликни кенгайтириши учун муҳим асос. Натиха ҳам шунга яраша: юзлаб янги таълим йўналишлари очилди, ҳажон реитингларига қираётган ОТМлар сони ортмоқда, талабаларимиз халқаро олимпиадаларда, илмий танловларда юқори ўринларни эғалаётди. Бу ўзгаришлар келажақ интеллектуал авлодининг шаклланиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Бош қомусимизнинг 52-моддаси ўқитувчининг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Ўқитувчининг меҳнати жамиятни ривожлантиришнинг асосидир. Бу сўзлар, аслида, минг йиллик ҳақиқатнинг ҳуқуқий ифодаси. Чунки устоз фарзанд тақдирини белгилайдиган, миллатнинг истикболига йўл очадиган энг шарафли касб эгаси.

Сўнгги йилларда юртимизда ўқитувчига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Уларнинг ойлик маошлари сезиларли ошди, устозлар учун уй-жой дастурлари жорий этилди, малака ошириш тизими янги-ланди ҳамда таълим сифатини ошириш учун педагоглар халқаро стандартлар асосида тайёрланмоқда.

Энг муҳими, Конституция устоз шаънини ҳимоя қилади. Бу эса таълим тизимига

бўлган ишончни мустаҳкамлаб, ёш авлодининг билим олишига янада рағбат бағишлайди.

Сўзимизни ислохотлар самараси билан давом эттирадиган бўлсак, бугунги кунга келиб ўқитувчиларнинг ойлик маошига ўндан ортиқ устамалар жорий қилинди. Бугун ўз устида ишлаган 60 мингдан

латлайди. Бу модда шунчаки ҳуқуқий норма эмас. У янги даврнинг стратегик қақирғидир.

Бугун илм-фан соҳасида илмий лойиҳалар учун давлат грантлари кўпайди, ёш тадқиқотчилар учун алоҳида дастурлар жорий этилди, олий таълим ташкилотлари ҳузурида технопарклар, инкубация

лар модернизация қилинди, ёш иҳодкорлар учун давлат стипендиалари йўлга қўйилди, миллий кинематография ривожланаётди.

Спорт соҳасида эса, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ютуқлари айниқса, ёшларнинг олимпия ва жаҳон чемпионатларидаги галабалари давлат эътиборининг натижасидир. Шу тариқа Конституция нормалари ҳаётда ўз реал натижасини бермоқда.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33 йиллигини кенг нишонлаймиз. Бугунги кунда Асосий Қонунимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар ортага қайтамаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки мамлакатимиз келажагини белгилайдиган дастуриламал қомусдир. Ундаги ҳар бир модда, айниқса таълим, илм-фан, маданият ва ёшларга оид нормалар жамиятимизнинг энг муҳим кадриятларини ифодалайди. Асосий Қонунимизда белгиланган ушбу нормалар Янги Ўзбекистоннинг эртанги кунни бўлган билими, бунёдкор, тафаккури очиқ авлодни тарбиялашга қаратилган.

Ноҳид ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

2026 йил 1 январдан давлат бошқарувини рақамли трансформация қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган «Бюрократияни бартараф этиш — 2030» дастури ишга туширилади.

Сиёсий партиялар фракцияларида

АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲИМОЯСИНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Асосий эътибор қонун лойиҳаларининг долзарб аҳамиятга эгаллигига қаратилиб, уларни янада такомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтирилишга оид муҳим таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида келгуси йил учун асосий солиқ ва боғжона ставкаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш назарда тутилган бўлиб, у билан солиқ сиёсатининг ўрта мuddатдаги асосий йўналишлари сифатида солиқ маъмуричилиги ва рақобатда муҳитини яхшилаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни рағбатлантириш ҳамда бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чоралар белгиланган.

Фракция аъзолари лойиҳада солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари жамият ривожланиши ва тадбиркорлик фаоллигининг янада ошишига ҳамда мамлакатда молиявий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилишнинг қайд этди. Қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаган ҳолда унда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, иш ўринларини яратиш борасида ажратилаётган маблағларнинг йил сайин ошиб бораётгани, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий юқини камайтириш орқали уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган янги-ча ёндашувлар акс этганини алоҳида таъкидлашди.

Муҳокама давомида бюджет даромадларини ошириш, солиқ базасини янада кенгайтириш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, бюджет маблағларидан фойдаланишда самарадорлиқни ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2026 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгантириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қор қўшимчага қўйишга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга экспорт қилишнинг кенгайтириш, аҳолининг даромадларини ошириш ва ҳудудларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар партия мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳаммадан эканлини қайд қилиб, унда тадбиркорларга қўлайликлар яратиш мақсадида назарда тутилётган янгилликларни алоҳида эътироф этди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама этилди.

Маълум қилинганидек, қонун лойиҳасида кейинги йилда ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағлар 220 трлн. сўмини ташкил этиб, улар умумий харажатларнинг деярли 55 фоизини ташкил қилаётгани акс этмоқда.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг келгуси йилдаги бюджет кўрсаткичларидан сўнг муҳокамага ўтилди. Жумладан, депутат Қозим Тожиёв бир неча йил олдин мактабларни қуриш ва таъмирлаш ишлари маҳаллий ҳокимликлардан олинди, Таълим вазирлиги ихтиёрига ўтказилганини эслатиб, тегишли вазирликдан келгуси йилдан бошлаб бу жараён яна эски тартибга ўтказилаётганига изох сўради.

Депутат Умида Раҳмонова эса дарсликлар билан боғлиқ масалани кўтариб, уларни янгилаш мақсадларига йўналтирилаётган маб-



лағлар ҳамда бошқа аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган мақсад ва вазифаларга эътибор қаратди.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳасида кейинги йилда ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағлар умумий харажатларнинг деярли 55 фоизини ташкил қилаётгани акс этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ислохотларнинг энг устувор йўналиши сифатида белгиланган берилган таълим сифатини ошириш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш учун Давлат бюджет-

тимой йўналтирилгани, 2026 йил учун Давлат бюджети қонуни лойиҳасида ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг ҳажми йил сайин ортиб бораётгани ижобий баҳоланди.

Муҳокама давомида депутатлар партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди. Шунингдек, бир қатор саволлар ҳам ўртага ташланди. Ташаббускорлар кўтарилган барча саволларга атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида 2026 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси партиянинг дастурий мақсадлари ва устувор йўналишларидан келиб чиқиб муҳокама қилинди.

Йиғилишда депутатлар ҳукумат ва мутасадди ташкилотлар вакиллари билан таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларидаги режалар юзасидан фикр алмашди.

Фракция аъзоси Дилбар Мамажонова маҳаллий йўналишларда темир йўл йўловчи ташвиш хизматлари кўрсатишда қўйиладиган зарарни қоплаш учун 2026 йилда Давлат бюджети ҳисобидан 700 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилганига эътибор қаратди. Аҳоли орасида темир йўл транспортига талаб ортиб бораётганини қайд этган депутат бу хизматлар қай вақтдан бошлаб даромадли тизимга айланиши ва бу борада қандай чора-тадбирлар режалаштирилгани билан қизиқди. Транспорт вазирлиги вакили бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Фракция аъзоси Одилжон Иминов эса қўшилган қиймат солиғидан тушадиган даромаднинг бир қисми маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилаётганини рағбатлантирувчи омили сифатида қайд этди. Депутат ушбу маблағларнинг тақсимланиши, хусусан, ижтимоий соҳаларга ажратиладиган улуш бўйича қизиқди. Мутасаддилар томонидан берилган маълумотга кўра, 2026 йилдан бошлаб академик лицей ва техникумларни сақлаш, умумтаълим мактабларини қуриш ва таъмирлаш сарф-харажатлари маҳаллий бюджетлардан молиялашти-

рилиб, маҳаллий бюджетларда қолдирилаётган тушумлар айнан ушбу харажатларга йўналтирилиши режалаштирилган.

Фракция аъзолари партиянинг дастурий мақсадларида устуворлик касб этадиган соҳа ва йўналишларга ажратилаётган маблағлар, кўзда тутилган марралар ҳақида лойиҳа ташаббускорлари билан қизгин муҳокама олиб борди. Массулар томонидан ҳар бир билдирилган фикр ва йўланган саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Йиғилиш якунида фракция аъзолари 2026 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Бюджет жараёни такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгантириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси қонун ва қонуности ҳужжатлари ўртасида ўзаро мувофиқликни таъминлаш, мамлакат бюджет тизими ва бюджет жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, бюджет даромадлари таркибини мувофиқлаштириш, халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот турларини кенгайтириш ҳамда бюджет тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга қаратилган нормалар белгиланмоқда.

Шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар шакллари ва муҳокама этиш механизmlарини аниқ белгилаш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳаси мамлакатимизда фуқароларни бюджет жараёнига кенг жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофликни таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилгани алоҳида таъкидланди. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Қонун тартибидagi навбатдаги масала — фракция аъзоларининг 2025 йил 26 — 29 ноябрь кунлари саялов округларида ўтказган учрашувларининг якунлари муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалаларни масъул идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиш чораларини кўриш муҳимлиги таъкидланиб, келгусида ҳудудлардаги фаолиятни янада кучайтириш, аҳоли муруж-атлари билан ишлашда тизимли ёндашуви жорий қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга масалаларнинг жойларда ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш юзасидан келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Илмий фикрлар ва тажрибалар чорраҳасида

Пойтахтимизда болалар касалликлари диагностикаси ҳамда давосининг янги имкониятларига бағишланган IV халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро анжуман

Тошкент давлат тиббиёт университети томонидан Рязань ва Гомель тиббиёт университетлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда етти та мамлакатнинг 25 та олийгоҳи ҳамда илмий марказлари олимлари, тадқиқотчилар, шифокорлар бир майдонга жамланди.

Тадбир давомида педиатрия соҳасидаги энг долзарб йўналишлар муҳокама қилинди, инновацион ёндашувлар тақдим этилди, гоёлар тўқнашди. Маърузаларда миллий соғлиқни сақлаш сиёсати, сунъий интеллект ва замонавий диагностика, семириш ҳамда метаболлик бузилишлар, респиратор касалликлар ва иммунология, нутрициология ҳамда неонатология, перинатал ва болалар жарроҳлиги, гастроэнтерологияси муаммоларига урғу берилди.

Конференция нафақат илмий майдон, балки тажриба, фикр ва инновациялар учрашуви бўлиб, янги илмий ҳамкорликка пойдевор қўйилди, тадқиқотлар илмий жамоатчилик томонидан қизгин таҳлил қилинди. Ёш олимлар учун ҳақиқий “илмий ринг” бўлди дейиш мумкин.

Анжуман доирасида тақдим этилган “Ўзбекистон тажрибасида Сиам эгизакларини ажратиш”, “Ювенил идиопатик артритда сунъий интеллектнинг диагностика имкониятлари”, “Респиратор касалликларга қарши курашининг янги стратегияси” каби илмий чиқишларнинг ҳар бири педиатрия фани ривожига алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, форум доирасида нафас йўллари ва ичак иммунитети ўртасидаги боғлиқликка оид замонавий назариялар, профилактика ҳамда даволашдаги инновацион ёндашувлар тақдим этилди. Болалар оториноларингологияси соҳасидаги муаммолар ўртага ташланди.

Хорижлик мутахассислар томонидан витамин D етишмаслиги болаларда ортиқча вазн, инсулин резистентлиги ва гормонал дисбалансга қандай таъсир қилиши, метаболизм бузилишлари ҳамда витамин D даражалари ўртасидаги боғлиқлик оқиб берилган бўлса, кўкрак сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш, она сути билан боғлиқ халқаро стандартлар, махсус дастурлар ва миллий амалиётлар кенг ёритилди.

Табиийлик, бундай илмий янгилар иштирокчиларнинг эътиборини тортди. Келгуси йилда ҳам навбатдаги анжуманни янада кенг қамровли бўлишига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

Ярмарка

МЕҲР ВА МАҲОРАТДАН ЯРАЛГАН МАҲСУЛОТЛАР



Фарғона шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази биносидан ногиронлиги бўлган шахслар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма-савдо ярмаркаси ўтказилди. Унда шахар ва туманлардан келган 60 нафарга яқин хунармандлар 1 200 турдан ортиқ ранг-баранг асортиментдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Пешона тери эвазига яратилган хунармандчилик буюмлари, миллий либослар, турли тақинчоқ ва безаклар, кундалик рўзгор анжомлари намойиш қилинди.

— Ярмарка ва унинг доирасида ташкил этилган аукцион савдосида 100 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар сотилиб, ушбу маблағлар тўғридан-тўғри ногиронлиги бўлган хунармандларнинг ижтимоий қартиришга тушириб берилди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳикматилло Ҳолиқов. — Қувонарлиси, харидорлар томонидан сотиб олинган 18 турдаги маҳсулотлар ноёб ҳамда ўхшаш йўқлиги эътироф этилди. Бундай тадбирларни вилоятнинг ҳар бир шаҳар-туманида ўтказиш ҳамда унга ногиронлиги бўлган шахслар, хунарманд ва тадбиркорларни янада кенгроқ жалб этиш мақсад қилинган.

Ортимизда ногиронлиги бўлган шахслар бандлиги, доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлашга қаратилган бундай амалий саъй-ҳаракатлар жамиятимизда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмаслигидан далолат беради, эзгу ташаббусларни қўллаб-қувватлашга ҳизмат қилади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Муносабат

ИННОВАЦИОН ТАШАББУСЛАР ЮРТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган сунъий интеллект нафақат иш жараёнимизни енгиллаштиради, балки вақтни тежаш, тезкор қарорлар қабул қилиш, сифатли маълумотга таянилган бошқарувни йўлга қўйишда улкан имкониятлар яратди. Энг муҳими, замон билан ҳамнафас бўлишимиз, глобал рақобатда фаол иштирок этишимиз айнан сунъий интеллект ечимларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўтган ҳафтада Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган сунъий интеллект бўйича халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида Президентимиз иштирок этиб, ёшлар томонидан яратилган лойиҳалар билан бевосита танишди, уларнинг салоҳиятига юксак баҳо берди. Бу, аввало, Ўзбекистонда шаклланаётган замонавий рақамли экотизимларини амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бир қатор таклифларни илгари сурди. Стартларни қўллаб-қувватлаш, ишланмаларни миллий микёсда таъкидлаш этиш, халқаро бозорга олиб чиқиш, “Nvidia” билан суперкомпьютер кластери ишга туширилиши, рақамли хизматлар экспортини 5 миллиард долларга етказиш каби устувор вазифалар шулар жумласидан бўлиб, булар иқтисодиётнинг янги босқичга чиқишига хизмат қилади.

Шунингдек, таълим тизимига сунъий интеллектни чуқур интеграциялаш, мактаблардан бошлаб СИ савдохонлигини ошириш, ҳар йили энг яхши стартлар гоёлари танловини ўтказиш, “Сунъий интеллект бўйича Президент танлови”ни йўлга қўйиш каби ташаббуслар келажақ авлод учун мустақам пойдевор яратди.

Тиббиёт соҳасидаги натижалар аини пайтда эътиборга лойиқ: сунъий интеллект ёрдамида 50 мингдан ортиқ аниқ ташхис қўйилгани, жараёнларнинг 5 — 7 баробар

лағлар йилдан-йилга кўпайтирилаётгани, бироқ дарсликлар таъминоти айрим мактабларда ҳамон муаммолигига қолаётганини таъкидлади.

Шунингдек, депутат жорий йилда “Тоza кўлар” янги лойиҳаси учун тегишли маблағ ажратилганига қарамай лойиҳа ҳали тўлиқ ишга тушмагани сабаби билан қизиқди.

Ҳукумат вакиллари кўтарилган масалалар юзасидан атрофлича тушунтириш бериб ўттиди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Депутатлар, асосан, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маб-

ти харажатларининг 25,5 фоизи микдоридagi маблағлар таълим ва соҳаси, 12,1 фоизи соғлиқни сақлаш ҳамда 4,2 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жами харажатлари учун ажратилиши ўз ифодасини топапти.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари келгуси йилда “Спинал мышак атрофияси” ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш, одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни молиялаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, янги тахрирдаги Конституцияда белгиланган ижтимоий давлат тамойиллари асосида Давлат бюджети харажатларининг иж-

тезлашгани — ислохотларнинг реал самараси сифатида кўрилмоқда.

Ортимизда старт берилган “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси фақат технологик дастур эмас, балки катта ижтимоий-иқтисодий бурилишдир. 2030 йилгача 5 миллиондан ортиқ ўқувчи, талаба, ўқитувчи ва давлат хизматчиларини ўқитиш — Ўзбекистонни минтақадаги энг кучли рақамли марказга айлантириш йўлидаги тарихий қадам.

Дарҳақиқат, бугун сунъий интеллект нафақат технология, балки янги имкониятлар эшиги, иқтисодий ўсиш локомотиви ва ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқарадиган платформага айланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, парламент вакиллари сифатида биз ҳам мазкур йўналишдаги қонунийлик базасини такомиллаштириш, стартлар ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда рақамли инфратузилмани мустаҳкамлаш бўйича фаол иш олиб боришимиз шарт.

Янги Ўзбекистоннинг рақамли келажаги бугун яратилмоқда. Бу жараёнда депутатларнинг масъулияти — юксак, бурчи — аниқ, мақсади эса халқимиз фаровонлиги ва давлатимиз тараққиёти бўлиши лозим.

Дилноза АЗИЗОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

2026 йил 1 январдан қўриқловга олинган банклар, йирик корхоналар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа объектларнинг фуқаролар кириш ва чиқиш жойларига босқичма-босқич шахснинг юзини таниб олиш имкониятига эга техник воситалар ўрнатилади.

- Гуруч дунё аҳолисining тўртдан уч қисми учун энг муҳим озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.
- Гуруч ок, сарик, қизил, кўнғир, ҳаттоки қора рангда ҳам бўлади.
- Ўтган йили жаҳонда 523,8 млн. тонна гуруч ишлаб чиқарилган.
- 2023 йилда Ўзбекистон 106,2 минг тонна гуруч сотиб олган бўлса, ўтган йили импорт ҳажми қарийб уч баробар камайиб, 37,5 минг тоннани ташкил этди.
- Мамлакатимизда бу йил 160,7 минг гектарда шולי етиштирилди.

Таҳлил

Мутахассисларнинг айтишича, биз истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 55 фоизи донли экинлар асосида ишлаб чиқарилади. Улар орасида, айниқса, гуруч ўта талабгир бўлиб, дунё аҳолисining тўртдан уч қисми учун энг муҳим неъмат саналади.

Чиндан ҳам, бугун дунё халқлари ошхонаси таомномасини гуручли егуликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, гуруч таркибида умуман туз бўлмаганлиги сабабли у юрак-қон томир, буйрак етишмовчилиги ҳамда ортиқча вазндан қутулишни истаган кишиларга ҳам тавсия этилади. Шу боис унга бўлган талаб йил сайин ортиб борапти. Ўтган йили жаҳонда 523,8 млн. тонна гуруч ишлаб чиқарилган бўлса, жорий мавсум ақунлари бўйича бу кўрсаткич 1,4 фоиз ўсиб, 531,4 млн. тоннага етиши кутилмоқда. Шунинг ўзидеъ шолчилик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган тармоқлардан бирига айланганини яққол тасдиқлаб турибди.

Президентимиз шу йилнинг 15 октябр куни Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги “TCT Rice” шолчилик кластери фаолияти билан танишар экан, табиат ўзгариб, сув тақчиллиги ортиб бораётган ҳозирги шароитда соҳани илмга, инновацияга, илгор технологияларга таяниб ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бозор тамойилларини кенгрок жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш орқали даромадни кўпайтириш бўйича топшириқлар берди.

Шолчиликка қаратилаётган бундай эътиборни юрдошларимиз катта мамнуният билан қарши олди. Буни давлат раҳбарининг шолшордаги сурати энг кўп улашилган ва “лайк” олган фото бўлганидан ҳам илғаш мумкин. Сабаби ўзбек халқининг азалдан энг муҳим истеъмол товарлари қаторидан жой олган гуручга муносабати бошқача. Аксарият миллий таомларимиз айнан гуручдан тайёёрланади-да! Тўй-базмаларимиз эса шохона таом — паловсиз ўтмайди. Шу боис ушбу дон маҳсулотига талаб ҳар доим юқори. Ана шу эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш мақсадида шолчиликни ривожлантириш, экин майдонларини кенгайтириш, ушбу тармоққа инновацион агротехнологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилаётгани халқимизнинг айна дилидаги иш бўлди.

Бозор тамойиллари асосида

Очигини айтиш керак, илгари шолчилик тароққ бўлгани учун ушбу тармоқда олинадиган даромад мақтангулик эмасди. Айниқса, шолини сақлаш, қайта ишлашда муаммолар йиғилиб қолган эди. Кейинги йилларда бозор тамойиллари жорий қилиниб, хусусий сектор кенг жалб этилгани тўғайли соҳада сифат ўзгаришлари кузатила бошланди. Биргина “TCT Rice” кластери мисолида айтганда, шולי етиштириш, уни сақлаш ва чуқур қайта ишлаш бўйича тўлиқ саноат занжири яратилди.

Кластер раҳбари Хонсаид Абдуллаевнинг айтишича, бу йил 2 минг гектардан зиёд майдонда шолининг “Искандар”, “Гулистон”, “Нукус” навлари экилиб, парваришланди. Ҳосил ёмон бўлмади. Гектаридан ўртача 65 — 70 центнердан, айрим дала-ларда эса 80 — 85 центнердан мағ-зи тўк шולי олинди.

Таҳрибали деҳқонлар яхши билишадик, ҳосилининг даладагиси эмас, омбордагиси нақд. Бироқ омборда сақлаш шaroитлари яхши бўлмаса, ҳосилининг 70 фоизгача йўқотилиши мумкин экан. Шунинг учун “TCT Rice” кластери томонидан, биринчи навбатда, маҳсулот сақлаш учун қулай маскан яратиш масаласи ҳал этилди. Авваллари йиғиб олинган шולי очиқ майдонларда сақланган бўлса, эндиликда катта идилшарга қадоқланган ҳолда, умумий сифими 15 минг тонналик иккита ёпиқ омборхонада сақланмоқда.

Бу ерда нафақат шолини сифатли сақлаш, балки қайта ишлаш ва қадоқлашда ҳам энг замонавий техноло-

ТАРҚОҚ АРМОҚ АРАҚКИЁТИ

Илм, инновация ва илгор технологияларга таянилгани шолчилик истиқболида янги саҳифалар очмоқда

гиялардан фойдаланилмоқда. Бунинг учун кластернинг замонавий заводи Туркиянинг етакчи компаниялари усуналари билан жиҳозланган бўлиб, бир йилда 40 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Ишлаб чиқариш жараёнида сифат масаласи устувор этиб белгиланган бўлиб, “ақили” технологиялар ёрдамида шולי наинки катта-кичиликли-га кўра, айна пайтда шакли ва рангига қараб ҳам сараланади.

Кези келганда, айтиш жоизки, гуруч ок, сарик, қизил, кўнғир, ҳаттоки қора рангда ҳам бўлади. Мутахассислар таъбири билан айтганда, инновацион усуналар гуручни худди каптар тергандек саралаб, ис-

(Вьетнам) билан ҳамкорлик доира-сида эртапишар, шўрга, касалликларга чидамли ва ҳосилдорлиги юқори бўлган хорижий селекцияга мансуб 13 та нав ва 2 та дурагай маҳаллий нав билан қаттиштириш ишлари олиб борилди. Натижада 6 та хориж шולי нави Қорақалпоғис-тон ва Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитига тўлиқ мослаштирилиб, бирламчи уруғчилиги йўлга қўйил-ди. Бундан ташқари, Вьетнам селек-циясига мансуб 6 та янги шולי на-вини экологик синаш ва маҳаллий навлар билан қаттиштириш орқали шолининг янги “Манзур” ва “Йўлдош” навлари яратилиб, давлат нав синовига топширилди. Ушбу



Кейинги йилларда юртимизда шолининг “Тарона”, “Тантана”, “Садаф”, “Биллур”, “Ихлос”, “Зийнат”, “Йўлдош”, “Манзур” каби гектарига 80 — 100 центнергача ҳосил берадиган, бутун гуруч чиқиш даражаси 65 фоиздан юқори бўлган янги навлари яратилди.

теъмолчиликка юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш имконини яратмоқда.

Тошкент вилоятида ана шундай инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётгани боис шолчилик тармоқда кўллаб ютуқларга эришилмоқда. Айтайлик, жорий йил ҳосили учун 8,7 минг гектарда шולי экилган бўлса, шундан 3 минг гектари лазерли текисланиб, сув тежовчи технологиялар қўлланилди. Натижада вилоят бўйича 60 млн. метр куб обихаёт тежалди, уруғлик сарфи 522 тоннага камайди.

Эски усуллардан энди наф йўқ

Гап равиши тежамкорлик ва самарадорлик томон бурилган экан, савол туғилиши табиий: сув ва ер ресурслари чекланган Ўзбекистон шароитида шолчиликдан мўл ҳосил олишнинг имкони борми?

Шолчилик илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг айтишича, албатта, бор. Бунинг учун, энг аввало, тармоқда серхаражат ва самараси паст усуллардан воз кечиб, ресурстежамкор ва замонавий агротехнологияларни қўллаш, уруғчи-ликни ривожлантириш лозим. Зо-тан, эскича иш тутумларидан энди наф йўқ.

— Соҳани ривожлантириш мақсадида институтимиз томонидан шолчиликда етакчи бўлган дунё-нинг 14 давлатидаги 22 та илмий-тадқиқот ва олий таълим муассаса-лари билан ҳамкорлик йўлга қўйил-ди, — дейди Шолчилик илмий-тад-қиқот институти директорининг ил-мий ишлар ва инновациялар бўйи-ча ўринбосари, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Зо-ҳиджон Зиёдуллаев. — Натижада ташқи таъсирларга чидамли, сер-хашки навлар яратишга муваффақ бўлиняпти. Жумладан, “MeKong Delta” илмий-тадқиқот институти

йўналишда Халқаро шолчилик ил-мий-тадқиқот институти (Филиппин), Хитой миллий шолчилик илмий-тадқиқот институти, Жанубий Корея-нинг “AFACI” маркази ҳамда “KORIA” ташкилотли сингари йирик инновация марказлари билан ҳамкорликда ҳар бир худуднинг тупроқ-иклим шарои-ти, сув таъминотини ҳисобга олган ҳолда уруғчиликни йўлга қўйиш бо-расида илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Буларнинг самараси

Тошкент вилоятида 2025 йил ҳосили учун 8,7 минг гектарда шולי экилган бўлса, шундан 3 минг гектари лазерли текисланиб, сув тежовчи технологиялар қўлланилди. Натижада вилоят бўйича 60 млн. метр куб обихаёт тежалди, уруғлик сарфи 522 тоннага камайди.



ҳам тез орада кўзга ташлана бош-лайди.

Умуман олганда, институтда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида шолининг 80 — 100 цен-тергача ҳосил берадиган, бутун гу-руч чиқиш даражаси 65 фоиздан юқори бўлган “Тарона”, “Тантана”, “Садаф”, “Биллур”, “Ихлос”, “Зий-нат”, “Йўлдош” ва “Манзур” навла-ри яратилди. Айна пайтда уларнинг уруғлари кўпайтирилиб, фермер ва кластерларга етказиб берилмоқда.

Ресурстежамкор усуллар самараси

Кишлоқ хўжалиги вазириликдан маълум қилишларича, мамлакатимиз-да бу йил 160,7 минг гектарда шולי етиштирилган бўлса, шунинг

шולי уруғларини кассеталарга экиш линияси, лазер ер текислаш ҳамда етиштирилган шולי кўчатларини да-лава сифатли экиш машиналаридан фойдаланилганда ҳар гектар ҳисо-бига ўртача 8,5 соат вақт бирлиги, 10 ишчи кучи ва 5 млн. сўм маблағ иктисод қилинди. Энг асосийси, анъ-анавий усулга нисбатан 4 центнер-дан қўшимча ҳосил олинди, ўртача ҳосилдорлик 72 центнерга етиши илмий-амалий жиҳатдан ўз исботи-ни топди. Кўчатлаб экиш тажрибаси ички бозорда харидоргир бўлган “Искандар” навида ҳосилдорликини 88,8 центнерга, “Лазурний” навида 87,5 центнерга етказиш имконини бергани алоҳида эътиборга молик-дир.

Шу боис сўнгги беш йилликда

шолчиликда шу каби замонавий усунларни татбиқ қилишга давлат даражасида эътибор қучайтирилди. Расмий ҳужжатларда дастлабки бос-қинда жами шולי майдонларининг камида 20 фоизда кўчатлаб экиш, 50 фоизда лазер ускунаси ёрда-мида ер текислаш тизимини жорий этиш, 30 фоизда шолини замона-вий уруғ саялкалари орқали экиш белгиланиб, ушбу рақамларни йил сайин кенгайтириб бориш вазифа-си қўйилди. Бундан кўзланган асо-сий мақсад — мавжуд имкониятлар-дан унумли фойдаланган ҳолда ички бозорни сифатли ва арзон гуруч маҳсулотлари билан таъминлаш.

Импортга қарамлик барҳам топмоқда

Яқин-яқингача гуручга бўлган эҳтиёжнинг катта қисми импорт ҳисобига таъминланар эди. Қиёсий маълумотларга қараганда, кейинги пайтда бу борадаги манзара буткул ўзгармоқда. Хорижга қарамлик се-кин-аста барҳам топиб, ички бозор ўз маҳсулотларимиз эвазига тўлди-риляпти.

Эътибор қилинг-а, агар 2023 йил-да Ўзбекистон четдан оз эмас-кўп эмас нақд 106,2 минг тонна гуруч сотиб олган бўлса, ўтган йили им-порт ҳажми қарийб уч баробар ка-майиб, 37,5 минг тоннани ташкил этди.

Миллий статистика қўмитаси му-тахассисларининг фикрича, гуруч импортда пасайиш тенденцияси жорий йилда ҳам давом этапти. Ма-салан, 2025 йилнинг январь — июль ойларида 6,5 минг тонна гуруч им-порт қилинди. Бунинг ҳисобига кат-та миқдорда валюта ҳам тежалмоқ-да. Вахोलанки, 2023 йилда хориж-дан гуруч келтириш учун 31,7 млн. доллар, 2024 йилда 14,8 млн. дол-лар йўналтирилган.

Ҳўш, бу ижобий ўзгаришлар за-мирида нима ётибди?

Шолиқору соҳа табдиркорлари-нинг эътироф этишича, буларнинг барчаси эътибордан четда қолган тармоққа муносабат тубдан ўзгар-гани, соҳа вакиллари давлат томо-нидан қўллаб-қувватланаётгани са-марасидир.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2024 йил 15 августдаги “Шоли ети-тирувчилар фаолиятини қўллаб-қув-ватлашнинг қўшимча чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги қарори соҳа риво-жи йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Унда шולי етиштириш, сақ-лаш, қайта ишлашнинг узлуқсиз ва самарали тизимини жорий этиш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳ-сулотлари билан барқарор таъмин-лаш, шунингдек, соҳада илмий тад-қиқот ишларини кенгайтириш бўйи-ча аниқ вазифалар белгилаб берил-ди. Айна пайтда ресурстежамкор технологияларни қўллаётган кластер ва фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилди. Эндиликда 2025-2026 йил-ларда шולי экиш учун харид қилин-ган янги уруғ саялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари қиймати-нинг 20 фоизи Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиб орқали тўлаб берилди. Мамлакатдаги шולי ет-казиб берувчи асосий худуд — Хо-разм вилоятида шолчилик корхо-налари фаолиятини қўллаб-қувват-лаш учун Давлат бюджетидан қўшимча субсидиялар ажратилиб, ҳар гектар лазерли текисланган майдонга сарфланган ёнилғи-моиллаш материаллари харажатлари 100 фоиз қопланади.

Рости, бу каби кўмак ва ғамхўр-ликлар илгари ўғай кўз билан қараб келинган шолчилик истиқболида янги саҳифалар очмоқда, десак, му-болага эмас.

Бинобарин, шолчилик аграр со-ҳанинг шунчаки бир тармоғигина эмас, балки одамларнинг қайфисти-га таъсир кўрсатадиган муҳим озиқ-овқат маҳсулоти манбаидир. Тарқор бўлса-да, айтими, тўйларимиздан тортиб кичик йиғинларимизда ҳам дастурхон кўрки ош ҳисобланади.

Тўғри, бугун юртимизда гуруч тақчиллиги йўқ — бозорларимизда маҳсулот сероб. Лекин бу хотир-жамликка асос бўлолмайди. Нега-ки, кейинги йилларда маҳсулотга бўлган эҳтиёж ҳар доимгиданда ортиб бормоқда. Бу эса шолчи-ликни замон талаблари асосида ри-вожлантириш, ресурстежамкор ва инновацион технологияларни изчил қўллаб, сув тақчиллиги шароитида мўл ҳосил етиштириш, уни сифат-ли қайта ишлашга чуқурлаштири-ни тақозо қилаверади.

Саид РАҲМОН («Халқ сўзи»).



Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

Бунёдкорлик

Халқаро тажриба асосида барпо этиладиган “Service Point” мажмуаси Наманган вилоятида айна йўналишдаги илк лойиҳа ҳисобланади. Сервис ва логистика бўйича ушбу йирик лойиҳа Тўрақўрғон туманида Ангрн — Тўрақўрғон йўлининг худуддаги Кумидон кишлоғидан ўтган қисмида амалга оширилмоқда.

Кумидонда замонавий мажмуа қурилади

— Бош пудратчи — “Келажакмегастрой” масъу-لياتи чекланган жамияти бу ерда тупроқ ишларини бажаришга киришди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қудрат Соҳадиллаев. — Уму-мий қиймати 50 млрд. сўмни ташкил этадиган лойиҳа келгуси йилнинг учинчи чорағида нияҳясига етказилади.

Янги барпо этилаётган мажмуа доирасида йил-лик 100 мингдан ортиқ транспорт воситаларига хиз-мат кўрсатиш қувватига эга бўлган, 7/24 тартибда ишлайдиган юк ва енгил автомобиль хайдовчилари учун замонавий логистика маркази, автотураргоҳ-

лар, техник хизмат кўрсатиш, ёқилғи қуйиш, уму-ий овқатланиш шохобчалари, замонавий мотел-лар қурилади. Уларда 200 дан кўпроқ иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланган.

Айтиш лозимки, “Service Point” мажмуаси йўл ёқаси сервислари, логистика ва автотуризмни ри-вожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу лойиҳа хайдовчи ва йўловчилар учун қулайлик яра-тибгина қолмай, худуднинг иктисодий салохиятини ҳам оширади.

ХОРАЗМ ТОМОНЛАРДА

Хоразм вилоятида йўлбўйи инфратузилмасини яхшилаш ва ободонлаштириш орқали аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши ҳамда марокли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида туну кун ишлайдиган гастронимик кўчалар ташкил этилмоқда. Богот тумани марказидаги Соҳил бўйи кўчасида намунавий лойиҳа асосида 7/24 тартибда фаолият олиб борувчи енгил конструкцияли савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо қилингани ҳам шундан далолат беради.

БОҒОТДА ТУРИЗМ ВА ГАСТРОНОМИК КЎЧАЛАР



— Бу ерлар йиллар мобайнида қаровсиз ҳолатда ётган эди, — дейди “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умид Бобожонов. — Эзгу ташаббус билан қисқа мuddат-да кўча обод қилинди, ажойиб дизайнга эга савдо нуқта-лари, пиедесталар учун йўлакларни, тунги ёритқичлар, ўрин-диклар худудга кўрк бағишлади. Кўча бўйлаб одамлар сайр этиши, овқатланиши, харид қилиши, мазмунли дам олиши учун барча қулайликлар яратилмоқда.

Ушбу туризм ва гастронимик кўча туман аҳолиси ҳамда меҳмонларини турли маданий ва кўнғилочар табдирлар-га жалб қилиш, шунингдек, табдиркорлик лойиҳаларини кенгайтириш ва ривожлантириш истағида бўлган ишби-лармонлар учун қулай майдон саналади.

Туманининг Юксалиш маҳалласида ҳам енгил конструк-циялардан қурилган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобча-лари иш бошлади. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даро-мадларини ошириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқар-тириш мақсадида барпо этилган мазкур худудда китоб дўқони, озиқ-овқат, кийим-кечақлар дўқонлари, гўзаллик саломи, маиший техникалар устaxonаси ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Лойиҳа ишга тушиши би-лан 30 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди.

МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Олий таълим соҳасидаги энг нуфузли халқаро агентликлардан бири — “QS Quacquarelli Symonds” 2026 йил учун “QS Sustainability Rankings — 2026” натижаларини эълон қилди.



Бу йилги рейтинг дунёнинг қарийб 2000 та универси-тетини қамраб олган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг 9 та олий таълим муассасаси муносиб ўрин эгаллади. Улар-нинг орасида Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч дав-лат университети ҳам бор.

Бу натижа университетда барқарор ривожланиш йўна-лишида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар — эко-логия, ижтимоий масъулият, ресурслардан оқилона фой-даланиш, инновацион лойиҳалар ва бошқарув тизимини такомиллаштириш борасидаги изчил ҳаракатлар самара-си ҳисобланади.

ҚАЙТА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАР — ДАРОМАД МАНБАИ

Шовот туманининг “Бўстон Амирқум” массивида 1 500 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун фойдаланишга қайтариш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бу ерларда деҳқончилик учун, биринчи навбатда, сув таъминоти масаласини ҳал қилиш зарур эди. Шу мақсад-да янги канал қазилиб, бетонлаштириш ишлари ақун-ланди.

Айна кунда каналга юқори қувватли сув насосларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа ту-манда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми-ни ошириш баробарида худуд аҳолиси учун иш ўринлари яратилиши билан аҳамиятлидир.

СУВДАН ТЕЖАБ ФЙДАЛАНИШДА ЯНГИ ТАЖРИБА

Хоразм вилоятида экин майдонларини сўғоришда сув тежовчи технологияларнинг янги тури — ер остидан ўтувчи томчилятиб сўғориш тизими тажриба тариқасида қўлланилмоқда. Хусусан, “Дилшод” фермер хўжалиги 100 гектар экин майдонига эга бўлиб, шунинг 30 гектарига сувни тежайдиган технология жорий қилинди.

— Мазкур лойиҳа қиймати 1 млрд. 272 млн. сўм бўлиб, замонавий технология қатор афзалликларга эга, — дейди фермер Ҳамро Искандаров. — Вегетация даврида сувни зарур вақтда, даланинг керакли жойига бир текисда етказиб бериш имкони мавжуд. Бу ҳосилдорликни оширишда муҳим омил саналади. Энг муҳими, ҳосилни етиштириш учун сарфланадиган сув миқдори, ишчи кучи ва бошқа сарф-харажатлар кескин камайди.

Лойиҳага кўра шинамгина дала шийпони қурилиб, унда сувчилар хонаси, омборхона, махсус ҳовуз барпо этил-ган. Сув насосларининг энергия таъминоти қуёш панел-лари ёрдамида амалга оширилади.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЙЎЛИДА ҚАТЪИЙ ҚАДАМ

Замонавий дунёда сунъий интеллект нафақат технологик ютуқ, балки иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва ҳар бир инсоннинг кундалик фаолиятига чуқур таъсир кўрсатадиган глобал феноменга айланмоқда. Бугунги кунда сунъий интеллект (СИ) соҳасидаги англиклар ҳамда тадқиқотлар ҳар бир мамлакатнинг рақобатбардошлиги ва тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Нуктаи назар

Пойтахтимизда ўтказилган сунъий интеллект бўйича халқаро форум Ўзбекистон учун ҳам, минтақа учун ҳам катта аҳамият касб этди. Бу мамлакатимизнинг рақамли трансформация йўлидаги қатъий қадами ва инновацион ривожланишга интилишининг аққол далилидир.

Хўш, бу халқаро форум бизга нима беради ва унинг аҳамияти қандай?

Биринчидан, форум дунёнинг етакчи СИ мутахассислари, инвесторлар ва технология компанияларини бир жойга тўплади. Бу Ўзбекистон учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни импорт қилиш ва маҳаллий стартаплар учун янги қирраларни очиш имкониятини яратди.

Иккинчидан, тадбир давомида соҳадаги энг сўнгги тенденциялар, муаммолар ва ечимлар муҳокама қилинди. Бу Ўзбекистоннинг ёш мутахассислари ва талабалари учун бебаҳо тажриба алмашиш майдони бўлди, уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилди. Учинчидан, бу каби тадбирлар мамлакатда инновацион экотизимни, яъни илмий-тадқиқот марказлари, технологик парклар ва стартап инкубаторларини ривожлантиришга туртки беради. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётини мустаҳкамлайди.

Тўртинчидан, форум доирасида СИни қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, таълим, давлат бошқаруви ва саноат каби соҳаларда қўллаш бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос муаммоларини СИ ёрдамида ҳал этишга янги ёндашувларни топиш имконини берди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Маркази Осиёда СИни ривожлантиришда етакчиликини кўлга қиритишга интилмоқда. Бундай халқаро форумлар ушбу мақсадга эришишда муҳим роль ўйнайди.

Дарвоқе, Президентимиз Халқаро конгресс марказида сунъий интеллект бўйича халқаро форум доирасида иқтидорли ёшлар билан мулоқотда ахборот технологиялари соҳасининг стратегик аҳамияти, унинг мамлакат барқарор ривожини рақобатбардошлигида ҳал қилувчи ўрин тутаядиганини алоҳида таъкидлаш ҳам бежиз эмас. Зеро, унда тақдим этилган турли соҳаларга оид инновацион ишлан-



малар Ўзбекистонда шаклланаётган замонавий рақамли экотизим ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг реал самарасидир. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари стартап ҳамда технологик ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, ишланмаларни миллий миқёсда амалиётга татбиқ қилиш ҳамда уларни халқаро бозорга олиб чиқиш муҳимлигини таъкидлади. Бу бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Тараққиётнинг асосий мезони

XXI асрда ахборот технологиялари ва рақамлаштириш ҳар бир мамлакат тараққиётининг асосий мезони сифатида намён бўлаётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Дунёда сунъий интеллектга эътибор мисли кўрилмаган даражада юқори. Бу нафақат давлатларнинг стратегик ривожланиш режаларида, балки йирик корпорацияларнинг сармоявий сиёсатида ҳам яққол намён бўлмоқда.

Консалтинг компанияларининг ҳисоб-китоблариغا кўра, СИ жаҳон иқтисодиётига триллионлаб долларлик қўшимча қиймат қелтириш салоҳиятига эга. У ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, янги маҳсулот ва хизматлар яратади, логистика ва ресурс сарфини оптималлаштиради. СИ бугунги кунда деярли барча соҳаларни ўзгартирмоқда. Тиббиётда касалликларни эрта ташхислаш, дори воситаларини ишлаб чиқиш ва шахсийлаштирилган даволаш режаларини тузишда, молияда фибрибгарликни аниқлаш, рискларни баҳолаш ҳамда инвестиция қарорларини қабул қилишда, транспортда автомобиллар ва логистикани оптималлаштиришда, таълимда ўқув жараёнларини индивидуаллаштириш ва янги таълим контентларини яратишда, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлигини ошириш, сув ва ресурсларни тежашда ишлатилмоқда.

Бугунги кунда сунъий интеллект эндиликда фақат айрим тор соҳаларнинг имтиёзи бўлиб қолмай, балки иқтисодиётнинг барча тармоқлари, давлат бошқаруви тизими ва ҳатто кундалик яшаш тарзини мизга чуқур кириб келаётган фундаментал омилга, ҳаётини заруратга айланмоқда. Бу глобал тенденциядан Ўзбекистон ҳам четда қолмапти, аксинча, бу йўналишда фаол қадамлар ташлаб, янги рақамли Ренессанс даврининг бошланаётгани кўзга яққол ташланаётди.

Ўзбекистоннинг бой илмий мероси бугунги куннинг рақамли тараққиётига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Биринчи ва иккинчи Ренессанс даврларида кенг ном қозонган буюк олимлар — Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек каби аждодларимизнинг алгоритм, математика ва мантиқ фанлари рақамлига қўшган муносиб ҳиссаси ҳозирги сунъий интеллект ривожини учун асос солишда қатнашган, десак, асло муболага бўлмайди.

Уларнинг илмий кашфиётлари замонавий дастурлаш ва интеллектуал тизимларнинг назарий асосини ташкил этади. Ана шу бебаҳо мероснинг муносиб давомчилари сифатида мамлакатимиз энг илғор, замонавий технологияларга очик бўлиши, уни тараққиётимизнинг кучли танячига айлантириши зарурлигини англамоқда. Бу нафақат тарихий адолат, балки келажакка қаратилган стратегик йўналишидир. Бу мақсад йўлида Ўзбекистон сунъий интеллект трансформациясини амалга ошириш учун илк қадам сифатида дунёдаги етакчи давлатларнинг энг илғор тажрибаси асосида Миллий стратегия қабул қилиб, уни ҳаётга фаол татбиқ этиб келмоқда.

Мақсуд стратегия СИни миллий иқтисодиёт ва давлат бошқарувининг барча соҳаларига интеграция қилишни назарда тутди. Ушбу стратегиянинг самараси ўларок, қисқа муддатда салмоқли ютуқларга эришилди. Аввало, мамлакат ялли ички маҳсулотиди рақамли иқтисодиётнинг улуши икки қаррага ошиб, сезиларли тараққиётни кўрсатди. Бу — рақамли технологияларнинг иқтисодиётга қиритилиши натижасида эришилган муҳим кўрсаткич.

Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар йўналишига қарийб 2 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди, бу эса соҳага бўлган ишонч ва унинг салоҳиятидан далолат беради. Мамлакатимизда АТ хизматлари экспорти ҳажми ўтган йилларга нисбатан 4,5 қарра ўсиб, 1 млрд. долларга яқинлашди. Бу рақамлар ушбу соҳадаги ислохотларнинг натижадорлигини яққол тасдиқлайди.

ва Ўзбекистоннинг минтақавий АТ-хабга айланиш салоҳиятини кўрсатади.

Куни кеча илк бор инглиз ҳуқуқига асосланган махсус режимида фаолият юритадиган Рақамли технологиялар халқаро маркази ташкил этилгани ҳам соҳага халқаро стандартларни жорий этишга бўлган интилишни кўрсатади. Бу марказ инновацияларни рағбатлантириш ва хорижий компаниялар учун жозибадор муҳит яратишга хизмат қилади.

Рақобатбардош кадрлар базаси яратилмоқда

Кадрлар тайёрлаш борасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. АТ соҳасида таълим бераётган олий таълим муассасалари қарийб 3 ба-раварга ошиб, 145 тага, талабалар сони эса 80 минг нафарга етди. Бу эса келажакдаги рақамли иқтисодиёт учун мустаҳкам ва рақобатбардош кадрлар базасини яратишга хизмат қилади. Ушбу ютуқлар Ўзбекистоннинг сунъий интеллект асрида нафақат қузатувчи, балки фаол иштирокчи, илғор ечимларни жорий этувчи давлат сифатида шаклланаётганини кўрсатади.

Буюк аждодларнинг илмий меросини замонавий технологиялар билан уйғунлаштирган ҳолда, Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Сунъий интеллектга йўналтирилган ушбу стратегик ёндашув мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва глобал рақамли ландшафтда муносиб ўрин эгаллаш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Сунъий интеллект технологияларини ҳаётнинг барча жабҳаларига жорий этиш, ёшларни бу соҳага кенг жалб қилиш мамлакатнинг стратегик устувор йўналишларидан бирига айланган бир пайтда хорижий давлатлар билан қатор лойиҳалар амалга оширилаётганини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу борадаги энг муҳим ташаббуслардан бири Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда 2019 йилда бошланган “Бир миллион дастурчи” лойиҳасидир. Ушбу лойиҳа

Сунъий интеллект экотизимини барча соҳаларда жорий этиш мақсадида келгуси йил АҚШнинг “Nvidia” компанияси билан ҳамкорликда катта суперкомпьютер кластери ишга туширилади. Бу Ўзбекистонни нафақат замонавий технологиялар истеъмолчиси, балки уларни яратадиган, экспорт қиладиган ва глобал миқёсда рақобатлаша оладиган давлатга айлантиришга қаратилган муҳим қадамдир.

Умуман, юртимиз мезонлиқ қилган халқаро форум Ўзбекистоннинг рақамли келажакни қуришдаги қатъиятнинг муҳим белгисидир. Мамлакатимизнинг бу йўналишдаги фаол саяёҳаракатлари жамият тараққиёти ва халқаро майдондаги мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Бахтиёр МАҲКАМОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

доирасида икки миллиондан ортиқ ёшларимиз замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиб, рақамли келажакни қуриш учун асосли пойдевор яратди.

Шунингдек, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 100 га яқин иқтидорли ёшларимиз дунёнинг етакчи университетларида сунъий интеллект ва бошқа илғор АТ йўналишларида таҳсил олмоқда. Улар юртимизга қайтган, сунъий интеллектнинг энг сўнгги ютуқларини таълим, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви тизимига жорий этишда етакчи кучга айланиши кутилмоқда. Сунъий интеллектни таълим тизимида жорий этиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, мактаб ва университетларда соҳа бўйича саводхонлигини оширишга қаратилган махсус дастурлар амалга оширилмоқда. Бу келажак авлодни рақамли давр талабларига мос равишда тайёрлаш имконини берапти.

Инновацион экотизим жозибаси

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мамлакатда АТ соҳасидаги инновацион экотизим ҳам сезиларли даражада ривожланиди. Сўнгги йилларда стартаплар сони ўн баравар ошиб, умумий ҳисобда 300 млн. доллар инвестиция жалб қилинди. Бу эса Ўзбекистоннинг ёш тадбиркорлар ва инноваторлар учун жозибадор майдонга айланаётганини тасдиқлайди. Ушбу натижалар Ўзбекистоннинг рақамли келажакни қуриш, сунъий интеллект ва инновацияларни ҳаётнинг барча жабҳаларига муваффақиятли жорий этиш йўлидаги қатъияти ва салоҳиятини намён этади. Ўз навбатида, бу саяёҳаракатлар мамлакатнинг глобал рақамли майдонда ўз ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Хорижий экспертларнинг прогнозларига кўра, келгуси беш йил ичида сунъий интеллект технологиялари Ўзбекистон иқтисодиётида камида 10 млрд. долларлик қўшимча қиймат яратади. Мамлакатимиз раҳбари бундай юксак кўрсаткичларга эришиш учун барча зарур асослар ва имкониятларга эга эканлигини эълон қилди. Ўзбекистон 2030 йилга қадар АТ хизматлари экспортини 5 млрд. долларга етказиш, шунингдек, соҳада етишчи чиқадиган миллионлаб ёшлар учун юқори даромадли иш ўринларини яратишни мақсад қилган. Бу мақсадлар учун 100 млн. доллар ажратилиб, ушбу маблағ катта режалар ижросини таъминлашга йўналтирилади.



«ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИ»: ОҒИР АТЛЕТИКА БАҲСЛАРИ ҲОЛИБЛАРИ МАЪЛУМ

“Президент олимпиадаси”нинг эркаклар ўртасида кечган энг оғир вазн тоифасидаги беллашувлар қизиқарли кечди. Юқори даражада ташкил этилаётган “Президент олимпиадаси”нинг ушбу дастурига асосан оғир атлетика бўйича 2 та вазн тоифасидаги беллашувлар, шунингдек, бокс бўйича саралаш жанглари ўтказилди.



Яқини натижаларга кўра, 102 килограммгача вазн тоифасида 1-ўринни Элбек Идиев (Бухоро), 2-ўринни Аббосбек Ахролов (Наманган) ва 3-ўринни Бехзодбек Бердиев (Тошкент вилояти) эгаллади. Шунингдек, 102 килограммдан ортиқ вазн тоифаси бўйича 1-ўрин Ҳасанбой Холмуратов (Тошкент вилояти), 2-ўрин Оразбай Ҳайитов (Қорақалпоғистон Республикаси)га насиб этган бўлса, кучли учликни Отабек Жумаев (Сурхондарё) банд қилди.

“Президент олимпиадаси” мусобақалари қизгин рўҳда давом этмоқда.

ФУТБОЛ: СУПЕРЛИГАНИНГ НАВБАТДАГИ МАВСУМИ ЯҚУНЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон суперлигасининг 2025 йилги мавсуми нихоясига етди.



Орта қолган 30 тур якунига кўра, Фарғонанинг “Нефчи” жамоаси узоқ йиллик танаффусдан кейин яна бир бор чемпионлиқни қўлга қиритган бўлса, “Пахтакор” кумуш, “Насаф” эса бронза медаллари билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, “Хоразм”, “Бухоро”, “Машъал” ва “Кўкун-1912” ўтиш ўйинларида қатнашади. “Шўртан” жамоаси лигани тарқ этди.

ГАНДБОЛ: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИ — ЎСМИРЛАРИМИЗДА

Тайланднинг Паттайа шаҳрида гандбол бўйича “Trophy” кубогининг Осиё минтақаси бўйлаб ўтказилган қизлар ўртасидаги беллашувлари нихоясига етди.



Биз учун аҳамиятлиси шундаки, ушбу мусобақада иштирок этган Ўзбекистон “U17” терма жамоаси барча рақибини мағлуб этиб, олтин медални қўлга қиритди. Ҳамюртларимиз финал беллашувида Хиндистон жамоасини 40:33 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу ғалаба эвазига мазкур жамоамиз келаси йил 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга қиритди.

Маълумот учун, бундан аввал ўтказилган “U19” тоифасидаги беллашувларда ҳам юртдошларимиз бош соврин ҳамда мундIAL йўлланмасига эга чиққан эди.

«Халқ сўзи».

Чекка қишлоқда «АТ-шаҳарча» фаолиятини бошлади

Юртимиз ёшларида замонавий фанларни, дастурчилик, дизайнерлик, хорижий тилларни ўрганишга иштиёқ катта. Ғиждувон туманидаги чекка қишлоқлардан бири саналган Оқработ қишлоғида ўтказилган ўзига хос сўровнома ҳам худди шуни кўрсатди. Туман марказидан чамаси 18 километр узоқликдаги мазкур қишлоқ ва ён-атрофдаги маҳаллаларда яшовчи етти минг нафардан зиёд ўғил-қизлар айнан шу йўналишларда сабоқ олиш истagini билдирди.

Кулайлик

Ёшларнинг талаб-истагидан келиб чиқиб, «АТ-шаҳарча» барпо этилди. Масканда навқирон авлод вакиллари замонавий фан сирларини бепул ўрганибгина қолмай, АТ хизматлари кўрсатиш, фрилансерлик билан шуғулланиш, стартаплар тайёрлаш борасида маълум кўникмалар ҳосил қилади.

— Рақамли технологияларни чуқур ўзлаштириш кўп жиҳатдан хорижий тилни би-

лишга боғлиқ, — дейди «АТ-шаҳарча»да ёшларга сабоқ бераётган инглиз тили ўқитувчиси Ситора Музаффарова. — Шогирдларимиз бунга яхши англаган ҳолда тил ўрганиш машғулотларида фаол қатнашмоқда. Жамоамиз ўзига билдирилган ишончини оқлайди, абабатта. Бу ер бир мавсумда 180, йил давомида эса 700 нафардан кўпроқ ўғил-қизларни қамраб олиш имкониятига эга.

Истам БЕРОХИМОВ («Халқ сўзи»).

2026 йилда «Яшил макон» харажатларига 250 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезитнинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган қўлаб-қўлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезитнинг статизб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезит тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Гезитнинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6